

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 1

Жиззах шаҳри

2022 йил «31» март

Жиззах вилоят Фориш туман тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Жаббарова.А. (кийинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва MIRKOMIL FOODS номидан низом (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбар КОЕШКОВ. И (кийинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кийинчалик томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар туғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети.**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни Буюртмачини ошхона ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «31» 03 2022дан

2022 йил «31» 12 2022гача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилиши талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар(ишлар, хизматлар) нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунга қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларини бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария ҳолатларига жавоб



бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани амалга ошириш ҳақуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан ўтган ходимларга хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни, ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарларни ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши) ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасива расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун малдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. аутсорсерга мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни, ускуналарни, жиҳозларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи

Бюджет маблағлари ҳисобидан 50 000 000 ( Беш миля етти миля )

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари.

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки узилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмасли учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, "Хўжалик юритувчи субъектлар



фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўлади.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **V. Музокарали вазиятларни ҳал этиш тартиби.**

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музакора ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музакора ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. Форс-мажор ҳолатлар.**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар будай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сўралади.

#### **VII. Яқунловчи қоидалар.**

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### **VIII. Коррупцияга қарши шартлашув**

8.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур

#### **IX. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

9.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.



Х.Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари .

“Аутсорсер”

и Миркомил foods  
Фориш тумани  
Тел-94 2917100  
КР: 20208000705475833001  
СТИР: 309176669  
Агробанк АТБ  
Фориш тумани

Рахбар: Ислам Қошиқов И  
М.У.



” Буюртмачи”

Фориш ТТБ  
Богдон ш. А.Темур кучаси 1-А уй  
Тел: 72-452-13-03, 72-452-19-03  
х/р:10022860082357073101054003  
СТИР: 200341496 МФО: 00014  
Узбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Ягона Газна х/в  
234020003000100001010  
Марказий банк Тошкент ш. ББ ХККМ  
Директор: Жаббарова.А.  
М.У.





# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 40388 на приобретение Аутсорсинг хизмати

Способ проведения электронный

Дата 09.03.2022

Время рассмотрения 09.03.2022 20:41

Конкурсная комиссия Фориш туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	JABBAROVA ADIBA XXX	Raxbar	Forish TTB
<b>Секретарь комиссии</b>	ARSLANOV VOXID TILLABEKOVICH	Davlar xaridlari xisobchisi	Forish TTB
<b>Член комиссии</b>	NASIMOVA MOHINUR G'AYRATOVNA	Xodimlar bulimi mudiri	Forish TTB
<b>Член комиссии</b>	KUNISHEV BAZAR QUDRATOVICH	Xisobchi	Forish TTB
<b>Член комиссии</b>	TANGIROV BAXROM ERGASHEVICH	Xisobchi	Forish TTB
<b>Член комиссии</b>	SHUKRULLAYEV MIRJALOL KOMIL O'G'LI	Ish yurituvchi	Forish TTB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.03.2022 года № лота 40388.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга аутсорсинга по доставке еды</b>
Подробное описание	Иссик овкат билан таъминлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	56 000 000.00
Стартовая сумма	56 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок эталиган корхонанинг ишчилар ва ошпазлар тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок эталиган корхонанинг ишчилар ва ошпазлар тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MIRKOMIL FOODS MCHJ	25	Корхонамизда 6 нафар доимий	23	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ишчилар мавжуд				
<b>УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА</b>	25	етарли даражада	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Хужжатлар етарли эмас
<b>FORISH-HOLDING ХК</b>	25	5 нафар разрядли ошпазлар бор	20	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок эталиган корхонанинг 1 йилдан кам булмаган малакаси булиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок эталиган корхонанинг 1 йилдан кам булмаган малакаси булиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MIRKOMIL FOODS MCHJ</b>	25	Етарлича малакага эга	21	Экспертная		
<b>УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА</b>	25	1 йилдан куп	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Хужжатлар етарли эмас
<b>FORISH-HOLDING ХК</b>	25	3 йил	20	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок эталиган корхонанинг молиявий холати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок эталиган корхонанинг молиявий холати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MIRKOMIL FOODS MCHJ</b>	25	Баланс такдим килинди	23	Экспертная		
<b>УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА</b>	25	Такдим килинади	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Хужжатлар етарли эмас
<b>FORISH-HOLDING ХК</b>	25	ПДФ форматда такдим килинди	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок эталиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок эталиган корхонанинг махсус техникалари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MIRKOMIL FOODS MCHJ	25	Корхонамиз ихтиёрида 1 дона махсус транспорт мавжуд	22	Экспертная		
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	25	бор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Хужжатлар етарли эмас
FORISH-HOLDING XK	25	1 дона	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
FORISH-HOLDING XK	56 000 000.00	47 600 000.00	07.03.2022 18:54:42	15.00
MIRKOMIL FOODS MCHJ	56 000 000.00	50 000 000.00	07.03.2022 17:11:20	14.28

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УЧ-ТЕПА САХОВАТИ МАХ.САВ.ФИРМА	Не прошел	Не прошел	Не прошел
FORISH-HOLDING XK	68	15	83
MIRKOMIL FOODS MCHJ	75.65	14.28	89.93

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 40388 от 09.03.2022 года на приобретение Аутсорсинг хизмати определила победителем:

MIRKOMIL FOODS MCHJ  
309176669

и резервный исполнитель: FORISH-HOLDING XK (306557195)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	NASIMOVA MOHINUR G'AYRATOVNA	Согласен	
Член комиссии	KUNISHEV BAZAR QUDRATOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	JABBAROVA ADIBA XXX	Согласен	
Член комиссии	SHUKRULLAYEV MIRJALOL KOMIL O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY X U L O S A

1. Loyiҳaning turi. Shartnoma.

2. Loyiҳaning nomi.

Forish tuman tibbiyot birlashmasi bilan “Mirkomil foods” XK o‘rtasida 50.000.000 so‘mlik autsorsing ximat ko‘rsatish to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot.

Shartnoma loyiҳasi Forish tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va Forish tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 30.03.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuniga va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi PF-6313-son “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-sonli qaroriga ILOVAning “Davlat buyurtmachilari tomonidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri shartnomalar bo‘yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)” Ro‘yxatining 27-bandini, Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 10 yanvardagi 16-son qaroriga 2-ilova O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tuzilmasidagi tashkilotlarda autsorsing xizmatlari ko‘rsatish tartibi to‘g‘risidagi nizom va amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilgan. muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boslig‘i v.b



F.S.To‘ychiyev

31.03.2022 yil